

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КИМЁ ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Нишонов Миркозим Фозилович

Фарғона давлат университети кимё кафедраси профессори, техника фанлари
НОМЗОДИ

Ўринова Озода Ўлжаевна

Фарғона давлат университети ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7195776>

Аннотация. Мақолада узлуксиз таълим тизимида кимё ўқитиш методларини такомиллаштиришининг долзарб масалалари ёритилган. Шунингдек узлуксиз таълим тизимида янги педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланишининг дидактик таҳлили ва натижалари келтирилган

Таянч иборалар: узлуксиз таълим, кимё ўқитиш методлари, педагогик технология, ахборот технологияси, инновация, кимё таълими, таълим сифати, дидактик таҳлил.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОВ ПРЕПОДАВАНИЯ ХИМИИ В СИСТЕМЕ НЕПРЕРЫВНОГО ОБРАЗОВАНИЯ

Аннотация. В статье рассмотрены актуальные вопросы совершенствования методики обучения химии в системе непрерывного образования. Также представлены дидактический анализ и результаты использования новых педагогических и информационных технологий в системе непрерывного образования.

Ключевые слова: непрерывное образование, методика обучения химии, педагогическая технология, информационные технологии, инновации, химическое образование, качество образования, дидактический анализ.

IMPROVING METHODS OF TEACHING CHEMISTRY IN THE SYSTEM OF LIFELONG EDUCATION

Abstract. The article deals with topical issues of improving the methods of teaching chemistry in the system of continuous education.

Didactic analysis and results of the use of new pedagogical and information technologies in the system of continuous education are also presented.

Key words: lifelong education, chemistry teaching methodology, pedagogical technology, information technology, innovations, chemistry education, quality of education, didactic analysis.

КИРИШ

Узлуксиз таълим тизимининг асосий бўғинларидан бири бўлган академик лицей, касб - ҳунар мактабларида ўқитиладиган кимё ўқув фани умумий ўрта таълим мактабларидаги кимё ўқув фанининг узвий давоми ҳисобланади. Академик лицей, касб - ҳунар мактабларида ўқитиладиган кимё ўқув фани ўқувчиларнинг умумий ўрта таълим мактабларида ўзлаштирган кимёдан билим, кўникма ва малакаларни умумлаштириш, хулоса яшаш ва тизимлаштиришни амалга оширади.

Умумий ўрта махсус таълим масканларида умумий кимёнинг асосий қонунларини ўрганишдан бошлаб, даврий қонун, кимёвий элементларнинг атом тузилиши ва таркибини, янги кимёвий элементлар синтези, квант сонлари, кимёвий реакция тезлиги ва унга таъсир этувчи омиллар, дисперс система, оксидланиш- қайтарилиш реакция турлари,

органик кимёнинг асосий тушунча ва қонунлари, органик бирикмалар синфлари, юқори молекуляр бирикмалар, Ўзбекистонда кимё фани ва кимё саноатининг ривожланиш мавзулари имкони борича ўқувчилар атрофини ўраб турган муҳитдаги ҳаёт; турмуш ва ишлаб чиқариш ҳамда тажрибаси билан боғланган бўлиши зарурлиги илмий ва услубий адабиётлар ва меёрий ҳужжатларда кўрсатиб ўтилган [3, 4,8].

Академик лицей, касб - ҳунар мактабларида ўқувчиларнинг мустақил билим олиши, мантикий тафаккурини ривожлантириш, уларни касбга йўналтириш масаласи ўқитувчининг диққат марказида бўлиши лозим.

Ўқувчиларни касбга йўналтириш мақсадида ўқитувчи аввало педагогик фаолият кўрсатаётган таълим муассасасининг тайёрлайдиган ихтисослигини эътиборга олган дифференциал(табақалаб) ўқитишни амалга ошириши лозим.

Ўқитиш мазмунини касбий йўналтириш деганда ўқувчи томонидан ўзлаштирилаётган билимларни унинг келгуси фаолиятида тутган ўрни, назария ва амалиёт бирлиги, таълим-тарбиянинг узвийлигини амалга ошириш орқали шахснинг баркамоллигини таъминлаш тушунилади.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Шу мақсадларни кўзлаб кимё ўқитувчиси педагогик жараёнда педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланиб, ўқув муаммоларига асосланган вазиятларни вужудга келтириши ва маъруза, семинар, мунозара, анжуман, муаммоли дарсларида муваффақиятли ҳал этилишини таъминлаши талаб этилади.

Илмий-услубий адабиётларда кимёни ўқитишда янги педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш ҳақида анча маълумотлар йиғилган[1,2,5,6].

Аммо бу ишланмаларнинг инновация (янгилик киритиш) га қай даражада дахлдорлигини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ҳалигача айрим педагоглар таълим технологияси билан ўқитиш методи ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни ажрата олмайдилар. Ваҳоланки, технология тизимга, метод тизим компонентига оид тушунчадир.

Демак, бугун ўқитиш жараёнининг самарадорлиги ва мақсадга мувофиқлиги ҳамда оқилона ташкил этилиши кўп жиҳатдан ўқитувчи техника ва технология, ўқитишда инновацион методлар ва шунга ўхшашларни ўз вақтида англаб етиши ва уларни ўз амалиётида қўллаш олиши билан бевосита боғлиқдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатимиз иқтисодий қудратининг ошиб бориши жамиятимиз ижтимоий соҳасининг марказий халқаси бўлган таълим-тарбия тизимида ҳам туб ислохотларга олиб келди. Ўқувчи ва талаба ёшлар таълим-тарбиясини такомиллаштириш, уларга берилаётган таълим мазмунини кенгайтириш, чуқурлаштириш ва бойитиш ҳамда таълим узлуксизлигини таъминлаб бериш учун янгидан-янги қонунлар ва ҳужжатлар қабул қилинмоқда, замонавий педагогик технологиялар яратилмоқда. Замонавий педагогик технология фан асослари бўйича ўқувчи-талабаларнинг билиш фаолиятини мақсадга мувофиқ тарзда ташкил этиш ва амалга оширишни кўзда тутди.

Янгича ёндашув, янгича фикрлаш асосида ўқитиш жараёнида билим олувчиларнинг ўқув-билув фаолиятининг самарали шакл ва услубларини жорий этиш, уларнинг мустақил ишларини самарали ташкил қилиш керак. Ўқув-тарбия жарёнларини илмий ва методик жиҳатдан мукамал ташкил этиш муваффақиятлар гаровидир. Бунда барча турдаги машғулотлар ва мустақил топшириқлар билим олувчиларни ўйлашга, ижодий меҳнат қилишга, ҳар томонлама фикр юритишга, берилган топшириқларни ўз ҳаётий

тажрибаларига асосланиб ҳал этишга ўргатади. Ўқув фаолиятнинг ўқувчи ва ўқитувчи меҳнати кўринишидаги турлари омихталашганида кутилганидан зиёдроқ натижага эришиш мумкин бўлади.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАСИ

Ўқитишнинг асосий ташкилий шакли бўлган дарс ва дарсдан ташқари ишлар, улар қандай кўринишда (анъанавий ёки ноанъанавий дарслар, синфдан ва мактабдан ташқари ўқув-тарбия тадбирлари, маъруза ёки амалий машғулотлар) ташкил этилишидан қатъий назар, илмий-назарий, илмий-методик ва маърифий-маънавий жиҳатдан тўлақонли бажарилганидагина юксак педагогик самарани бериши мумкин. Бунда, албатта, билим олувчиларнинг ёш ва физиологик хусусиятлари, қизиқиши, билим савияси, фикр юритиш доираси ҳисобга олинган ҳолда ташкил қилинадиган машғулотлар кўзда тутилади. Бунинг учун эса таълим ва тарбия берувчининг мукамаллик даражасидаги педагогик маҳорати ва касбий салоҳияти талаб қилинади.

Кучли билим, касбий методика ва оддий инсоний фазилатлардан иборат учта хусусият бирлашиб ўқитиш жараёнининг пировард натижасини белгилайди.

Таълим ва тарбиянинг сифат ва самарадорлиги-жуда кўп омилларга боғлиқ бўлганлиги учун ҳам бу борада ягона ва қудратли тавсия ёки йўл-йўриқ бериб бўлмайди. Ҳаттоки, замонавий педагогик ёки ахборот-коммуникация технологияларидан ҳам фойдалана билишнинг ўзига хос ва ўзига мос мезонлари мавжудлигини унутмаслик керак. Ноанъанавийлик, инновация ёки интерфаоллик байроғини баланд кўтарувчилар ҳам ўқитишнинг узоқ йиллар мобайнида йиғилган анъана ва улкан тажрибавий захирасини инкор этмасликлари лозим. Эски ва янгининг ўзаро муносабати, базис ва устқурманинг мутаносиблиги, анъана ва ташаббуснинг келишувчанлик тамойилларини унутмаслик керак [5].

Ўқитувчи(педагог)нинг меҳнатига фақат унинг тасарруфидаги шахсларнинг уқув, кўникма, малака ва билим сифатига қараб баҳо берилиши лозим.

Таълим муассасаларида ахборот-коммуникация технологияларини замонавий педагогик технологиялар билан уйғунлашган ҳолда қўллаш бўлажак мутахассис кадрларнинг касбий тайёргарлик сифатини яхшилашга хизмат қилади, ўқув машғулотларининг самарадорлиги ва ўқитувчи(педагог)лар меҳнатининг фойдали иш коэффицентини оширади.

МУҲОКАМА

Бошқача айтганда, бугунги кунда узлуксиз таълим тизимида ўқитиш самарадорлигини оширишнинг муҳим шарти-таълим жараёнига тизимли ёндашув ва ранг-баранг педагогик фаолиятдан иборат хизмат кўрсатиш саналади.

Айни даврда замонавий педагогик технология – тизимли ёндашувлар асосида ўқитишнинг шакллари қулайлаштириш, унинг натижасини кафолатлаш ва объектив баҳолаш учун зарур бўлган инсон салоҳияти ҳамда техник воситаларнинг ўзаро ҳамкорлигини намоиш қилади. Таълим мақсадларини ойдинлаштириш, ўқитиш ва ўзлаштириш жараёнларида қўлланиладиган усул, метод ва воситаларларни хилма-хиллаш, таълим ва тарбия жараёнлари мазмунини чуқурлаштириш-булар ҳаммаси таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш демакдир [7].

Кимё ўқитувчилари билан ўтказилган суҳбатлар натижалари, уларнинг айримлари ҳалигача ўқув жараёнида янги педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланишга зарурат деб қарамаслигини кўрсатди.

Биз ўз тадқиқотимизда янги педагогик технологияларга ўқитувчиларнинг муносабатини аниқлаш учун анкета усули ёрдамида сўров ўтказдик. Кимё ўқитувчиларининг янги педагогик технологияларни амалда қўллаш масаласига муносабати қуйидагича бўлди:

1. Сўралган ўқитувчилардан кўпчилиги -68% янги технологияларни амалда қўллаётганлиги ва масалага ижобий муносабатда эканлигини кўрсатди.

2. Лекин 13% ўқитувчилар масалага салбий муносабат билдирганлар, 13,5% ўқитувчиларнинг муносабати ноаниқ, қолганлари эса (5,5%) жавоб беришмади. Бу маълумотлардан келиб чиқиб, жами 32% ўқитувчилар янги педагогик ва ахборот технологиялардан ўз фаолиятларида фойдаланишни амалга оширмаётганлар деган мулоҳазага келиш мумкин.

ХУЛОСА

Ўтказилган дидактик таҳлил ва педагогик эксперимент натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Барча ўқитувчилар янги педагогик ва ахборот технологиялар ҳақидаги билим ва кўникмалар билан қуроллантирилиши зарур.

2. Уларни янги ва самарали натижаларни таъминлайдиган технологиялардан фойдаланишга ўргатиш зарур.

3. Ҳар қайси педагогик жамоада илғор технологияларни тадбиқ этишга ижобий муносабатни шакллантириш ва зарурий моддий-техникавий ҳамда услубий таъминотни яратиш зарур.

4. Ўқитувчилар ўртасида янги педагогик ва ахборот технологияларни қўллаш бўйича тажриба алмашишни уюштириш таълим сифатини оширишга ёрдам беради.

5. Ўқитувчилар ўртасида ўтказилган анкета сўрови натижалари асосида замонавий педагогик технологияларни қўллаш даражаси (ижобий муносабатда бўлган ва қўллаб келаётган ўқитувчиларнинг миқдорий кўрсаткичи) аниқланди (68%). Аммо бу кўрсаткични юқори деб бўлмади.

6. Таълим тизими барча бўғинларида ўқитувчиларнинг замонавий педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланиш даражаларини имкони борича юқорироқга кўтариш ва таълимни сифатли ҳамда самарали бўлишини таъминлаш рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг энг муҳим омилidir.

REFERENCES

1. Ajiyeva M., Raxmatullaev N.G, Toshpo'latov YU.T. Galogenlar mavzusini o'qitishda informatsion texnologiyalardan foydalanish. Pedagogik ta'lim. №6, 2004 y. 34-37 betlar.
2. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.
3. Ziyomammedov B, Ziyomammedov S. Yangi pedagogik texnologiyalar. Toshkent, Abu Ali Ibn Sino – 2002, 118.

4. Mamajanov SH.A. Oliy o'q'uv yurtlari «Kimyo va uni o'qitish metodikasi» kursining tuzilishi va mazmuni. Avtoref. dis. ... kand. ped. nauk. – FDU. 2003. – 22 s
5. Омонов Х.Т. Философско-педагогические основы химического образования и вопросы его совершенствования. Автореф. дис. ... докт. пед. наук. Ташкент. ТГПИ им. Низами. 1995. – 46 с.
6. Raxmatullaev N.G., Toshpo'latov YU.T., Iskandarov O.YU. "Kimyo fanlarini o'qitishda yangi pedagogik texnologiyalardan foydalanish."
7. Назарова Т. Образовательная среда школ и новые технологии на рубеже XXI века. Народное образование. 2000г. № 8 стр. 49-54.
8. С. Тешабоев, М. Нишонов, Х. Шокиров, К. Турдиева. Умумий ўрта таълим мактаблари кимё фани учун дастур. -Т.Шарқ. 1999 й
9. Didactic games in preschool educational system. F.U. Urinova- Проблемы современной науки и образования, 2020-elibraru.ru
10. Urinova Feruza Uljaevna, Sharofutdinova Rano Shavkatovna. DOI: 10.5958/2249-7137.2021.00358.X “Development and education of preschool children” ACADEMICIA. An International Multidisciplinary Research Journal . (Double Blind Refereed & Peer Reviewed Journal).ISSN: 2249-7137 Vol. 11, Issue 2, February 2021.Urinova Feruza Uljayevna, candidate of pedagogical sciences Fergana State. Valiyeva Hojirakhon Ilhomjon kizi, 1-year master's degree fergana state university. Development of intellectual abilities of preschool children. Through developing technologies. Modern journal of social sciences and humanities. Issn: 2795-4846. Vol. 4 (2022). <https://mjssh.academicjournal.io/index.php/mjssh>.
11. O'rinova, F. (2019). REPORT ON PROBLEMS IN THE PRE-SCHOOLS OF ORGANIZATIONAL PREVENTIVE CENTERS. Scientific Bulletin of Namangan State University, 1(11), 311-315. 7.
12. Oljayevna, O., & Shavkatovna, S. (2020). The Development of Logical Thinking of Primary School Students in Mathematics. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8(2), 235-239.
13. Uljaevna, U. F. (2020). Didactic games in preschool educational system. Проблемы современной науки и образования, (4-2 (149)), 27-29. 15. Uljaevna, U. F., & Shavkatovna, S. R. (2021). Development and education of preschool children. ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL, 11(2), 326-329.
14. Uljaevna, U. F., & Shavkatovna, S. R. DOI: 10.5958/2249-7137.2021. 00358. X “Development and education of preschool children” ACADEMICIA. An International Multidisciplinary Research Journal.(Double Blind Refereed & Peer Reviewed Journal). ISSN, 2249-7137.
15. Urinova F. A., Urinova F. A., Usmonova S. Y. Q. IN CONTINUOUS EDUCATION SYSTEM HUMANISTIC CHARAKTERISTICS OF PARTNERSHIP PEDOGOGY //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2019. – Т. 1. – №. 12. – С. 317-322.